

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи куйидаги хукукларга эга:

Истеъмолчининг электр қурилмаларини Таъминотчи корхона электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;
сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Таъминотчи корхонага истеъмол киладиган электр энергияси хажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда электр энергиясининг шартномадаги хажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан 10 кун олдиндан (жорий ой тугагунгача) берилиши керак

электр энергияси тўлик хажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергияси етказиб берилиши оқибатида ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ёки электр таъминоти корхонаси (айбдор ташкилот) томонидан етказилган зарарларни белгиланган тартибда қоплаш;

Шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган электр энергияси миқдори учун тўланган маблағни қайтарилишини талаб қилиш;

Электр энергияси етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юқори органга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа хукукларга ҳам эга.

4.2. Истеъмолчи куйидагиларга мажбур:

Таъминотчи корхона томонидан белгиланган электр энергиясини истеъмол қилиш режимида риоя этиш;

фойдаланилган электр энергияси (куват) учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

ишлатилаётган электр қурилмалари, асбоблар ва асбоб-ускуналарнинг зарур техник ҳолатини ва истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, ҳудудий электр тармоқлари корхонасига ёки электр таъминоти корхонасига электр асбоб-ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар қилиш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

“Ўзэнергоинспекцияси”нинг ёзма кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларига риоя этиш;

ўрнатилган тартибда Таъминотчи корхона вакилига электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини кўришига имкон бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан қаида бир ой олдин электр энергиясининг зарур миқдори учун ҳудудий электр тармоқлари корхонасига буюртманомга бериш;

келгуси йил учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни аниқлашда электр энергиясини электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун

электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Истеъмолчи томонидан ҳисобга олиш приборни ЭХНАТда муқобил (соз ҳолда) ишлашига тўскинлик қилиши амалдаги Қонун ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга асосан жавобгар бўлишига сабаб бўлади.

Шунингдек, уланган қуввати 5 МВт ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи Таъминотчи корхонанинг талабига кўра қуйидагиларни ҳисобга олиши ва бу ҳақида хабар бериши шарт:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги микдори;

ягона электр энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи;

ягона электр энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфи.

Уланган қуввати 250 кВА ва ундан ортиқ бўлган истеъмолчилар юқорида кўрсатилган мажбуриятлар билан биргаликда қуйидагиларга мажбур:

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илгор нормаларини ишлаб чиқиш - умумий ишлаб чиқариш ва технологик; якка тартибдаги ва гуруҳ бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик - уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гуруҳлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чораталбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш заруриятини аниқлаш мақсадида (маҳсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежашни ҳисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узоқ истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Истеъмолчи Таъминотчи корхона томонидан белгиланган энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажариши шарт.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

4.3. Таъминотчи корхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

истеъмолчилардан электр таъминоти шартномасида белгиланган мажбуриятларни тегишли даражада бажаришни талаб этиш;

истеъмолчилар томонидан электр таъминоти шартномаси шартлари бажарилмаслиги ёки бузилиши оқибатида унга етказилган зарарнинг белгиланган тартибда қопланиши;

авария режимида истеъмолчиларни электр тармоқларидан узиш (ўчириш);

ЭХНАТга уланган ва олдиндан тўланган маблағ тугагандан сўнг электр энергияси учун олдиндан тўловни амалга ошириш қурилмасига эга ҳисобга олиш асбоб мавжуд бўлган истеъмолчиларни узиш. Бунда узилгандан сўнг истеъмолчининг кўриши мумкин бўлган зарари учун Таъминотчи корхона жавобгар бўлмайди.

Қоидалар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган ҳолатларда Истеъмолчиларни электр тармоқларидан узиш оқибатлари учун жавобгар бўлмайди.

Таъминотчи корхона қонунчиликда белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.4. Таъминотчи корхона қуйидагиларга мажбур:

Истеъмолчига электр энергиясини электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр тармоғи хўжалиги объектларини режали таъмирланиши туфайли электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида камида 3 кун олдин огоҳлангириш;

Истеъмолчини электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш (Истеъмолчи масъул ходимларини уяли алоқа воситаси орқали (телефонограмма), овозли хабар, телеграм хабарнома, СМС хабар орқали ёки ёзма тарзда);

киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда Истеъмолчига олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги Истеъмолчининг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чиқиш Қоидаларга мувофиқ бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

Истеъмолчига ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юритиш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиясининг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу ҳақида, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда, истеъмолчига хабар қилиш;

Истеъмолчида ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш ва ўрнатиш, пломбалашни таъминлаш;

давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

истеъмолчининг сарфлаган электр энергияси учун қарзи вужудга келганда қарзни беш кун муддатда тўлаш зарурлиги тўғрисида ёзма хабардор қилиш (ЭХНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно);

Таъминотчи корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари